

ГЕОЛОГИК ВА ГЕОФИЗИК УСУЛЛАР МАЖМУАСИ ЁРДАМИДА ЗИРАБУЛОҚ МАЙДОНИДА МАЪДАН КОНЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ

Яндашов Исломжон Собит ўгли.

Геология фанлари университети

“Фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш” кафедраси

“Геология разведка ишларининг техникаси ва технологияси”

2-курс магистратура талабаси.

Бўриев Бехруз Очилди ўгли.

Геология фанлари университети

“Фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш” кафедраси

“Геология разведка ишларининг техникаси ва технологияси”

2-курс магистратура талабаси.

Элмуродов Отабек Фарход Ўгли

Геология фанлари университети

“Фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш” кафедраси

“Геология разведка ишларининг техникаси ва технологияси”

2-курс магистратура талабаси.

Аннотация: Зирабулоқ майдонида маъдан конларини башорат қилишдаги қилинган ишлари хақида.

Калит сўзлар: ВЕЗ, Миқёс.

Зирабулоқ-Зиёвутдин раёнда турли хилдаги фойдали қазилмалар учрайди асосан оҳактошлар. Энг асосий конлар Кармана оҳактош кони, Қарноб ва Чангли мраммар кони, конлари мавжуд.

Умуман олганда Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари конлари истеъмолчиларга яқинлиги, энергетик баъза, керакли ресурсларнинг ва таъминот йўлларининг мавжудлиги билан белгиланувчи қулай иқтисодий шароитларга эга.

Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари майдони мамурий жиҳатдан

Геофизик ўрганилганлиги

Шундан келиб чиққан холда замонавий геофизик тадқиқодлар олиб борилса ишнинг бирламчи босқичлари ҳудудни ўрганишдаги ишларни самадорлигини ошириш мумкун бўлади ва геологик қидиришда йўналиш беради ва кейинги ўриндаги самарали ишлар натижасида керакли маълумотларни аниқ ва рақамлаштиришда катта ўринга эга.

Раённи геофизик усуллар билан ўрганиш 1949 йили Ф.Г. Решето томонидан электроразведка ВЕЗ усули ёрдамида миқёсда чўкинди жинсларнинг кўмирга истикболлини аниқлаш мақсадида ўтказилган.

1952 йилдан бошлаб Карпеев И.П., Сорокин М.А. томонидан биринчи марта фундамент жинсларида нодир метали маъданлашувга йўналтирилган қидирув ишлари комплекси (магниторазведка, электроразведка) ўтказилган.

1956 йили Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларининг барча майдонида Шуневич А.М. томонидан миқёсдаги аеромагнит суратга олиш ишлари ўтказилган.

1957 йилдан бошлаб Гейман Б.М. миқёсдаги гравиметрик суратга олиш ишларини бажарилган. Шу йили Галкин А.И. томонидан Буге редукциясида гравиметрик харита тузилган.

Чўкинди қопламасининг қалинлигини аниқлаш мақсадида Бухоро геофизик экспедитсияси Зирабулоқ тоғларининг жанубий-ғарбий этакларида миқёсдаги профилли сейсморазведка ишларини ўтказди (Пиковский М.И., Василев В.А.).

Карюхин А.С. томонидан 1959 йили қопланган фундаментдаги ер ёриқлари зонасини кузатиб бориш учун биринчи марта электроразведка усули қўлланган.

1961 йили Фомин В.М. ва Шманенко И.С. томонидан Ғарбий Ўзбекистоннинг гравиметрик харитасини тузишда Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари майдонига мос келувчи сикх гравиметрик максимум Δg ажратилган. Волфсон Н.Б., Абатурова М.А. томонидан 1962 йили Катармай тоғларида олтинга истикболли бир қатор майдонлар ажратилган.

1966-67 йиллари Оранский Н.И. томонидан Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларида миқёсдаги гравиметрик суратга олиш ишлари бажарилган.

Махсус тадқиқот ишлари

Зирабулоқ-Зиёвутдин раёнида радиоактив хом ашёга қидирув ишлари биринчи марта 1933-35 йиллари олиб борилган. Раённинг маъдандорлиги бўйича кейинги ишлар Ўзбек геология бошқармаси томонидан бажарилган ва асосан қалай, волфрам ва бошқа конлар майдонида ўтказилган.

Радиоактив хом ашёга режали қидирув ишлари 1949 йилдан бошланган. Шу вақтлардан бошлаб раёнда топилган уран минерализатсияси аномалиялари ва нишонларини тафтиш қилишга Краснохолмск экспедитсиясининг Марказий партияси киришган (Якушевич, 1951; Глушковая Д.И., 1953-1954; Осипов Б.Л., 1955). 1949 йилдан 1951 йилгача архив маълумотлари бўйича ажратилган ёки Ўзбек геология бошқармаси қидирув партиялари томонидан топилган Оймаҳал, Чингали, Жузумли, Ингичка, Карнаб ва бошқа уран минерализатсияси нишонларининг маъдандорлик истикболлари баҳоланган.

1951-53 йиллари Зирабулоқ-Зиёвутдин раёнининг барча ҳудудлари миқёсдаги аерорадиометрик суратга олиш билан қопланган.

Палеозой фундаменти ва платформа қопламасидаги уранга қидирув ишларини 1955 йили Краснохолмск экспедитсияси бошлаб юборган ва Зирабулоқ партияси (Трушкин, Чикунова М.К., 1956), Қорачақудуқ партияси (Биленский М.А., 1959), Зиёвутдин партияси (Глушковская Д.И., 1959; Ларкин Э.Л., 1959), Кетменчи партияси (Биленский М.А., 1960) ва бошқалар томонидан ўтказилган. 1960 йилга келиб Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғлари 1:25000 миқёсдаги яёв радиометрик қидирув маршрутлар билан тўлиқ қопланган. Баъзи участкаларда тўри 1:10000 миқёсгача зичлаштирилган кузатувлар (Қорачақудуқ, Новий Тутак маъдан нишонлари, Кутчи, Дарайтут, Жузумли, Карнаб, Кўкбулоқ, Лампрофирли, Лапас, Мисит, Чилиджура, Юлгунсай и др. маъдан нишонлари ва аномалиялари) ўтказилган. Уран минерализатсиясининг янги ва илгари топилган объектларини баҳолаш одатда ҳажми унча катта бўлмаган тоғ лаҳимлари (канавалар, шурфлар) орқали маъданларнинг оксидланиш зоналарида ўтказилган. Камроқ объектлардагина (Қорачақудуқ, Дарайтут маъдан нишонлари) чуқур шурфлар, бурғи қудуқлари, шахталар қазииш орқали амалга оширилган.

Ҳозирги кундаги технологиялардан фойдаланиб геологик татқиқотлар олиб борилса ва олдинги ишлар натижаларини рақамлаштирип уларга таянган ҳолда кейинги босқич ишларини олиб борилса кўп малумотларга ега бўламиз.

Ҳудуднинг геологик тузилишида иккита структуравий қават ажратилади: булар палеозой фундаменти ётқизиқлари ва улардан минтақавий номувофиқлик билан ажралган мезо-кайнозой қоплама жинсларидир.

Фундаментни ташкил этувчи ҳосилалар ер юзасида ўрта-юқори ордовик олтиовул свитасининг терриген ётқизиқлари, қуйи силур дарайтут свитасининг вулкано-терриген ётқизиқлари, эрта силурдан ўрта дувонгача ҳосил бўлган каттажар, тирикбобо, пизян, жалқираймаҳал свиталарининг оҳактошлари ва доломитлари, ўрта девон мазай свитасининг оҳактошлари, девон соппен свитасининг карбонат-терриген чўкиндилари, қуйи карбон тим свитасининг қумтошлари ва сланеслари очилиб ётади. Улар анча даражада метаморфизмга учраган, кўпчилик интрузив таналар билан ёрилган.

Қоплама жинслар мезозой ва кайнозой ҳосилаларидан иборат бўлиб, улар палеозой жинслари очилиб ётган Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларини ўраб туради.

Раён марказий қисмининг умумий структуравий планини шимолий-ғарбий ер ёриқлари белгилайди. Улар алоҳида қатламаларни ҳамда турлича тузилган палахсаларни ажратувчи чоклардан иборат. Раён ҳудудидаги ушбу йўналишдаги ер ёриқлари кенлиги 4 км гача борувчи тизимларга бирлаштирилади. Бу тизимда ўнлаб километр масофага чўзилган чуқур ҳамда турли таркибга ва ёшга эга бўлган қатламоралиғи ер ёриқлари ривожланган. Ер юзасида ер ёриқлари тектоник брекчиялар, кварситлар, карбонатлар, аргиллизитларнинг метасоматик

таналари билан назоратланади, ҳам гидротермал ва ҳам гиперген табиатга эга. Ер ёриқлари орасида сиқилган блокларда катаклаз, милонитизация, тоғ жинсларининг фаол сланесланиши зоналари ривожланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1) Хамрабаев И.Х., Сейдузова С.С. Природа слоев и границ литосферы Средней Азии. Ташкент. Фан, 1998.
- 2) Турапов М.К., Марипова С.Т. Определение перспектив и направлений дальнейших геологоразведочных работ на золото на закрытых территориях Центральных Кызылкумов. Ташкент. Имр, 2005.
- 3) “Рудные месторождения Узбекистана” Тошкент: GIDROINGEO.